Адл ила олам юзин обод қил

# Куч–адолатда

2020 йил
8 декабрь,
сешанба
№ 48 (821)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси ● http://www.sud.uz ● 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

**Муҳтарам ватандошлар!**

Сизларни улуғ айём — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 28 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни билдираман.

**Қадрли дўстлар!**

Дунё миқёсида авж олган коронавирус пандемияси туфайли бу йил Конституция кунига бағишланган тантанали маросимларни кенг миқёсда ўтказишнинг, афсуски, имкони бўлмаяпти. Лекин, шунга қарамасдан, бу байрамнинг руҳи ва шукуҳи қалбларимизда, юракларимизда давом этмоқда. Бу айём юртимизнинг меҳнат жамоалари, таълим масканлари, маҳаллаларда шоду хуррамлик билан нишонланмоқда.

Конституциямизнинг қоида ва тамойилларидан келиб чиқиб, биз бундан тўрт йил олдин Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик ҳамда кенг кўламли ва шиддатли демократик ислоҳотларни бошладик. Уларнинг ҳуқуқий асосини Конституциямизга 7 марта киритилган ўзгартиришлар, қабул қилинган 5 та кодекс ва 250 га яқин қонунлар ташкил этмоқда.

Ўтган қисқа даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий қиёфаси, одамларимизнинг дунёқараши бутунлай ўзгаргани, ҳар бир юртдошимиз мамлакатимизнинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётгани Бош қомусимизнинг ҳаётбахш қудрати ва улкан салоҳиятидан далолат беради.

Ана шу улкан салоҳиятга таяниб, халқимиз бугунги кунда мураккаб синовларни мардона енгиб, юртимизда эркин, обод ва фаровон ҳаёт — янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда.

**"Янги Ўзбекистон" деган ибора халқаро майдонда нафақат янги тушунча, балки реал ижтимоий ҳодиса сифатида қабул қилинмоқда.**

Конституциямиз яратиб берган улкан ҳуқуқий имкониятларнинг самараси бўлган бундай ютуқ ва натижалар барчамизга албатта юксак ғурур ва ифтихор бағишлайди.

**Ҳурматли юртдошлар!**

**"Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир"** деган конституциявий норма асосида мамлакатимизда халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қиладиган, Конституция ва қонун устун бўлган самарали ва барқарор тизим шаклланмоқда.

Ана шундай конституциявий пойдеворга асосланган ушбу тизим дунё шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги мураккаб вазиятда турли таҳдид ва синовлар, жумладан, глобал пандемияга қарши курашда, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида юз берган табиий ва техноген офатларнинг оқибатларини бартараф этишда ўзини тўла оқлади.

Конституциямиз моҳиятига чуқур сингдирилган демократия ва ижтимоий адолатга садоқат ҳамда инсонпарварлик тамойилларини таъминлаш бўйича мамлакатимизда тизимли ва ортга қайтмайдиган демократик ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Аввало, Асосий Қонунимизда кафолатланган малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва кучли ижтимоий ҳимояни таъминлаш бўйича ҳар бир инсоннинг ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишда барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Пандемия даврида аҳоли соғлиғини сақлаш, ишсиз қолган фуқароларга ёрдам беришга, тадбиркорларга биринчи даражали эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 10 триллион сўм фондга эга бўлган Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилиб, унинг маблағлари соғлиқни сақлаш, ижтимоий инфратузилмалар, аҳоли ва корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Йил давомида 500 мингдан ортиқ тадбиркор ва 8 миллиондан зиёд фуқаро учун 34 триллион сўмга яқин имтиёзлар берилди, ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам ва бандликни оширишга 2,6 триллион сўм қўшимча маблағ ажратилди.

Ўткир ижтимоий муаммо бўлиб келаётган аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш бўйича давлат дастури доирасида фақат жорий йилнинг ўзида 13 мингдан зиёд юртдошларимизга янги уйларнинг калити топширилди.

(Давоми 2-бетда) ▶

## ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 28 йиллиги муносабати билан давлатимиз томонидан олиб борилаётган гуманистик сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида **"Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"**ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан содир этган жинояти учун жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **104** нафар фуқаро афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **6** нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, **50** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, **17** нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, **41** нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг **13** нафарини чет эл фуқаролари, **9** нафарини 60 ёшдан ошган шахслар, **1** нафарини аёл ҳамда **21** нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

**Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, қабул қилинган Конституциямиз нормаларида юртимизда демократия умуминсоний принципларга асосланиши, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида мустаҳкамлаб қўйилган.**

*Қонун ижодкорлиги*

## Маъмурий суд ишларини юритишни янада такомиллаштириш: таклиф ва мулоҳазалар



Шу асосда давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи бўлган суд ҳокимияти фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг қонуний кафолатини таъминлашдек муҳим ва шарафли вазифани бажариб келмоқда.

Кейинги йилларда ушбу вазифанинг тўла амалга оширилишини таъминлаш мақсадида, Конституция ва унинг негизида ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегияси ижроси доирасида суд-ҳуқуқ соҳасида шиддатли, тизимли ва кенг кўламли ислоҳотлар жорий этилмоқда.

Бу ҳақда сўз борганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябрда қабул қилинган "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2017 йил 21 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонларининг тарихий аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим.

(Давоми 2-бетда) ▶

## ХАЛҚИМИЗ ТОМОНИДАН ВА ХАЛҚИМИЗ УЧУН ЯРАТИЛГАН ОЛИЙ ҚОМУС

*Ўзбекистон халқи ўзининг бутун ривожланиш тарихи мобайнида жамиятдаги ҳар бир инсоннинг манфаатларини бирдек ҳимоя қила оладиган, азалий миллий қадриятлари, анъаналари ва урф-одатларини, ўзлигини, шаъни ва қадр-қимматини кафолатлайдиган ҳамда айни пайтда жаҳондаги ривожланган давлатларда қарор топган илғор конституциявий ғояларни қамраб олган яхлит қомусий-ҳуқуқий ҳужжатга эҳтиёж сезиб яшади.*

Мустақилликка эришганимиздан сўнг халқимизнинг букилмас сиёсий иродасини ва хоҳиш-истагини рўёбга чиқариш учун ҳуқуқий пойдевор бўладиган, иқтисодий-ижтимоий фаровонликни, маданий ва маърифий тараққиётимизни таъминлайдиган, энг асосийси, инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган тамойиллар ўз аксини топган Олий Қомусимиз ишлаб чиқилди. Бош Қомусимиз инсон манфаатларини таъминлаш учун хизмат қиладиган инсонпарвар фуқаролик жамиятининг, адолатли ҳуқуқий давлатнинг, демократик суверен йўлимизнинг ҳуқуқий асосига айланди.



Шу билан бирга, Конституциямизда замонавий ўзбек миллий давлатчилигининг тенг ҳуқуқлилик, қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларининг сўзсиз устуворлиги каби принциплар билан бир қаторда ўзбек халқининг қон-қонига сингиб кетган муқаддас анъаналар, хусусан, оиланинг муқаддаслиги, фарзандларнинг ота-онаси олдидаги бурчлари ҳам аниқ-равшан белгилаб берилди.

Бироқ ҳар қандай конституция қанчалик залворли ва мукаммал бўлмасин, аҳолининг турмуш тарзи ва яшаш сифати, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш кафолатлари нафақат конституциявий нормаларнинг ҳаққонийлигига таянади, балки улар, асосан, фуқаролар ва давлат институтларининг ушбу нормаларни таъминлашга бўлган интилишлари ҳамда саъй-ҳаракатлари билан чамбарчас боғлиқдир. Шу боис Асосий Қомусимизда белгиланган инсонпарварлик принципларининг амалга ошишида давлатнинг самарали фаолияти беқиёс аҳамиятга эгадир. Зеро, бугунги замонавий демократик жамиятларда давлат институтлари фаолиятининг самарадорлиги конституциявий нормаларни ҳаётга татбиқ этиш ва ундаги принципларни рўёбга чиқариш даражасига қараб баҳоланади.

Президентимиз ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ собитқадамлик ва қатъиятлик билан конституциявий ваколатлари доирасида Конституциямизнинг барча нормаларини ҳаракатга келтириш ҳамда уларнинг ишлашини таъминлаш чораларини кўришга киришди ва бунга муваффақ бўлди.

(Давоми 3-бетда) ▶

**Глобаллашув жараёнлари, шу жумладан, ахборот технологияларининг кенг тарқалиши шахс ва жамиятга таъсир кўрсатиш борасида чекланмаган имкониятларни юзага келтирмоқда. Бу йўналишдаги тараққиётнинг ижобий томонлари билан бирга, салбий жиҳатлари ҳам борки, улар айрим иллатларнинг пайдо бўлишига олиб келади.**

## Ҳушёрлик ва огоҳлик – кибержиноятчилар тузоғидан энг яхши ҳимоя




Жиноятчиликнинг янги шакли — юқори технологиялар соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар бунга яққол мисолдир. Бундай ҳуқуқбузарликда компьютер ёки компьютер тармоқлари ҳам жиноий хуруж объекти, ҳам қабиҳликни содир этиш воситаси сифатида ишга солинади.

Рақамлар кибержиноятчилик дунё миқёсида кенг тарқалганлигини кўрсатмоқда. Статистик маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда 7 миллиардга яқин инсон, яъни дунё аҳолисининг 95 фоизи электр алоқаси кўчма тармоқлари билан қамраб олинган.

Ҳар йили кибержиноятчилик оқибатида етказилган моддий зарарнинг миқдори дунё ялпи ички маҳсулотининг бир фоизини ташкил этса-да, маънавий зарарнинг ҳисоб-китоби йўқ. Янада ачинарлиси, жаҳон миқёсида содир этилган кибержиноятларнинг атиги 0,05 фоизи, яъни ҳар 200 тадан 1 таси фош этилмоқда, холос.

Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларига илғор ахборот технологиялари жадал кириб келмоқда. Бу жараёнда жиноятларнинг олдини олиш, уларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда фош этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш бўлими ташкил этилди.

Ушбу йўналишда ҳозирги кунга қадар ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилган 600 дан ортиқ жиноятни аниқлашга эришилди. Хусусан, жорий йил 13 июнь куни Тошкент шаҳар, Юнусобод туманида яшовчи фуқаро М.А. Ички ишлар вазирлиги порталига ариза билан мурожаат қилиб, 12 июнь куни соат 19:00ларда "Телеграм" мессенжеридан "Uydagi_Yulduzlar" @Fan club Miz #Uyda QOLING" (@fan_club_miz) деб номланган каналга киргани ва ушбу каналга жойланган NET NOMER ANIQLOVCHI.APK файлни юклаб олганидан сўнг уяли телефони "блок" ҳолатига тушиб қолганини билдирган.

Шундан сўнг ушбу фуқарога қурилмани "блок" ҳолатидан очиш учун +99890-200-хх-хх абонент рақамига "Paynet" тўлов тизими орқали 10.000 сўм маблағ туширилиши ҳақида хабар келади. Аризачи кўрсатилган пул маблағларини ўтказганидан сўнг ҳам телефон аппарати "блок" ҳолатидан чиқмаган.

(Давоми 3-бетда) ▶

*Оқлов*

## Қарор топган адолат

### севинч кўз ёшларига сабаб бўлди

***Тадбиркор Иброҳим Исмоилов тергов органи томонидан ўзига қўйилган айблов билан беш йилдан саккиз йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилинишини хаёлидан ўтказаркан, бирдан маъюс тортар, кўзларига бир неча кундирки, уйқу илинмас, еган-ичгани ўзига юқмас, чироқ ёқса — кўнгли ёришмасди.***

Ундаги хомушлик, дилғашлиги ва паришонхотирлик оила аъзоларига ҳам кўчган эди. Лекин судда бирдан аҳвол ижобий томонга ўзгарди.

Суд судланувчи И.Исмоиловни Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "б" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбсиз деб топди. Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси 1-бандида қайд этилган асосга кўра, И.Исмоиловни оқлади.

Оқланганини эшитаркан, И.Исмоиловнинг кўзларидан шашқатор ёш оқди, бу севинч ёшлари эди.

Суд ҳукми ўқилаётганда, "И.Исмоилов реабилитация қилиниши муносабати билан унга етказилган мулкий зиённи қоплаш ҳамда маънавий ва бошқа зиён оқибатларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 304-312-моддаларида назарда тутилган тартибда даъво талаби билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин" деган сўзлар элас-элас қулоғига кирар, адолат ва ҳақиқат бўй кўрсатганидан юраги ҳамон ҳаприқарди...

Бу дунёда тирик жон борки, рўзғор тебратиш, бола-чақа боқиш учун ўзини ўтга-чўққа уради. Оиласи учун ҳеч кимдан кам бўлмаган муносиб турмуш тарзини таъминлашга интилади.

И.Исмоилов ҳам шундай мақсад-муддао билан қонуний тартибда "VILBRED" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этганди. Хусусий корхона ва ташкилотларга шартнома асосида зарурий эҳтиёт қисмлари, техника асбоб-анжомлари етказиб бериш билан шуғулланарди.

2018 йилнинг сентябрь ойи эди ўшанда. У Навоий шаҳридаги "MUNJAL SHIFER" масъулияти чекланган жамияти раҳбарига бориб учрашган. Мазкур шифер заводига керакли эҳтиёт қисмларни олиб келиш бўйича қиймати 200 миллион сўмлик икки томонлама шартнома расмийлаштиришган.

Ўша йилнинг декабрь ойи охирларида И.Исмоилов шаҳардаги "Автомобиль эҳтиёт қисмлари бозори"га бориб, Ф.Расулов (исм-шарифлар ўзгартирилган) сотувчилик қилаётган дўконга киради. Сотувчига "MUNJAL SHIFER" масъулияти чекланган жамиятига керакли эҳтиёт қисмлар рўйхатини кўрсатади.

Дўкон сотувчиси рўйхатни кўздан кечираркан, ҳозирча бундай эҳтиёт қисмлар йўқлигини маълум қилади. Сўнгра агар нархига келиша олса, Тошкент шаҳрига буюртма бериб, икки кун ичида эҳтиёт қисмларни келтириши мумкинлигини айтади.

И.Исмоилов дўкон сотувчисининг таклифига рози бўлади. Шу боис, эҳтиёт қисмлар рўйхатини қолдириб кетади.

Орадан бир неча кун ўтгач, дўкон сотувчиси И.Исмоиловга буюртмаси келгани ҳақида телефон орқали хабар беради. Эҳтиёт қисмларнинг жами нархи 48 миллион сўм бўлишини маълум қилади.

(Давоми 4-бетда) ▶

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шу билан бирга, Сардоба туманида офатдан зарар кўрган хонадонлар учун кўп қаватли янги уйлар, ижтимоий инфратузилма объектларини ўз ичига олган гўзал ва замонавий шаҳарча бунёд этилди.

Оғир турмуш шароитида яшаётган мингдан ортиқ хотин-қизларга уй-жой бўйича бошланғич бадаллар тўлаб берилгани ҳам ана шундай эзгу ишларимиз қаторига киради.

Фаол гендер сиёсати доирасида хотин-қизларимизнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш бўйича жадал ишлар давом эттирилмоқда.

Буларнинг барчаси пандемия ва унинг оқибатида юзага келган иқтисодий ва ижтимоий инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш имконини бермоқда ва халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

**Қадрли юртдошлар!**

Конституциямизда ўз ифодасини топган адолат принципини амалда таъминлаш бўйича ҳам катта ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, камбағалликни қисқартириш мақсадида ижтимоий ёрдамнинг янги ва самарали механизмлари жорий этилмоқда.

Уйма-уй юриб аҳоли муаммоларини ўрганиш натижасида 2,5 миллиондан зиёд аъзоси бўлган 590 мингдан ортиқ оилани қўллаб-қувватлаш учун 840 миллиард сўм маблағ ажратилди. Хусусан, ҳар бир хонадондаги аёллар ва ёшларнинг эҳтиёжи, ҳаётий муаммолари аниқланиб, 300 мингга яқин оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзолари иш билан таъминланди.

Энг муҳими, одамларда эркин меҳнат қилиш, ишбилармонлик ва тадбиркорлик ҳисобидан камбағалликдан чиқиш тажрибаси ва кўникмаси шаклланмоқда.

Юрт бошига иш тушган оғир кунларда бизнес ҳамжамияти, тадбиркор ва фермерларимиз, меҳр-оқибатли фуқароларимиз иштирокида ташкил этилган "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати инсонпарварликнинг яна бир юксак намоёни бўлди. Умумхалқ ҳаракати доирасида аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож тоифаларига 204 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди.

**"Янги Ўзбекистон — мактаб остонасидан бошланади",** деган ғоя асосида умуммиллий таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишга мисли кўрилмаган эътибор қаратилмоқда. Илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт, спорт соҳаларини ривожлантириш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, ёшларнинг, айниқса, қизларимизнинг истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш борасида ҳам кўп ишлар қилинмоқда.

Буларнинг барчаси юртимизда **Учинчи Ренессанс** — миллий тараққиётимизнинг янги даври пойдеворини яратишга хизмат қилади.

Яна бир муҳим конституциявий тамойил — инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича барча соҳаларда, айниқса, суд-ҳуқуқ тизимида чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунинг тасдиғини кейинги тўрт йилда 2 минг 600 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилиб, 2 минг 400 нафар шахс суд залидан озод қилингани, 7 та суд босқичи 3 босқичга келтирилиб, суд тизими **"бир суд — бир инстанция"** тамойили асосида қайта ташкил этилаётганида кўриш мумкин.

Мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия изчил амалга оширилмоқда.

Афв институтини қўллаш борасидаги ишларимиз изчил давом эттирилмоқда. Шу йилнинг ўзида билиб-билмай жиноятга қўл урган ва ўз қилмишидан пушаймон бўлган 300 дан ортиқ шахс афв этилиб, жазони ўташ жойларидан озод қилинди, 200 нафар маҳкумнинг жазо муддатлари қисқартирилди.

Узоқ вақт фуқароликка эга бўлмай келган инсонлар бугунги кунда ўзларини тўлақонли Ўзбекистон фуқаролари деб ҳис этмоқда. Ўтган йигирма беш йилда 482 нафар шахсга фуқаролик берилган бўлса, бугунги кунда 50 мингдан зиёд киши шу ҳуқуққа эга бўлмоқда. Бу эса Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайтиришга қаратилган чақириғига муносиб жавоб бўлади.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулк сотиб олиш билан боғлиқ чекловлар бекор қилингани туфайли 40 мингдан ортиқ фуқаро пойтахт минтақасида сотиб олган уй-жойларини ўз номига расмийлаштириш имконига эга бўлди.

**Муҳтарам ватандошлар!**

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш борасида олиб борилаётган изчил сиёсат жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, шу йил сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган бир қатор глобал ва минтақавий ташаббуслар, аниқ амалий таклифлар халқаро миқёсда кенг қўллаб-қувватланганини таъкидлаш ўринлидир.

Октябрь ойида эса мамлакатимиз миллий давлатчилигимиз тарихида илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий органларидан бири бўлган Инсон ҳуқуқлари кенгашига аъзо этиб сайланди.

**Бу — биз олиб бораётган очиқ ва фаол ташқи сиёсатнинг яна бир катта ютуғи, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.**

Мамлакатимизда инвестиция ва бизнес муҳити яхшиланаётгани, туризм ва экспорт салоҳияти юксалиб бораётгани, Халқаро меҳнат ташкилотининг стандарт ва қоидалари ҳаётга фаол татбиқ этилаётгани туфайли Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрни йил сайин юксалмоқда.

Пандемия ва глобал иқтисодий инқироз сабабли юзага келган турли тўсиқ ва муаммоларга қарамасдан, ташқи алоқаларимиз тўхтаб қолмади. Қўшни ва ҳамкор давлатлар билан сиёсий ва савдо-иқтисодий, гуманитар соҳалардаги алоқалар узлуксиз давом этмоқда.

Хорижий мамлакатлардаги фуқароларимизнинг мавжуд муаммоларини тезкор ва ижобий ҳал этиш, уларга амалий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда Ватанимизга қайтариш борасида бу йил аниқ чора-тадбирлар амалга оширилгани халқимизга яхши маълум. Хусусан, пандемия даврида 500 мингдан зиёд Ўзбекистон фуқароси юртимизга олиб келинди. Чет элларда қийин аҳволга тушиб қолган 100 мингга яқин юртдошимизга турли ёрдамлар кўрсатилди.

Ёлғон ваъдаларга алданиб, мамлакатимиздан чиқиб кетган ва қуролли можаролар бўлаётган Яқин Шарқ минтақасида оғир кунларни бошидан ўтказаётган фуқароларимиз, асосан, аёллар ва болаларни мамлакатимизга қайтариб олиб келиш бўйича инсонпарварлик тадбирлари давом эттирилмоқда.

Шу муносабат билан яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: **Ўзбекистон фуқаролари ҳамиша ўз давлати ва Конституцияси ҳимоясида бўлади ва биз бу тамойилни бундан буён ҳам қатъий амалга оширамиз.**

**Ҳурматли дўстлар!**

Кейинги йилларда эришган ижобий натижаларимиз биз кўзлаётган улуғвор мақсадлар йўлидаги дастлабки қадамлар эканини яхши тушунамиз. Бу борада ҳали **олдимизда улкан вазифалар** турибди.

**Биринчидан,** Конституция ва қонунларимизни янада такомиллаштиришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Жумладан, халқимиз манфаатларига, ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштиришга хизмат қиладиган қонунларни қабул қилиш, давр талабларига жавоб бермайдиган қонун ҳужжатларини бекор қилиб, қонунчилик базасини ихчамлаштириш, бизнес фаолиятини тартибга солиш борасидаги ортиқча нормаларни камайтириш зарур.

Ушбу вазифаларни бажаришда сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтлари янада фаол бўладилар, деб ўйлайман.

**Иккинчидан,** тараққиёт кушандаси бўлган коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим.

Сўнгги икки йилда ноқонуний хатти-ҳаракати билан давлатга 2 триллион сўм зарар етказган 1986 нафар мансабдор шахс коррупцияга оид жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортилгани бу масала нақадар долзарб эканини кўрсатади.

Мазкур йўналишдаги ишларимизни тизимли ва комплекс давом эттириш учун **2021-2025 йилларга мўлжалланган Коррупцияга қарши курашиш миллий стратегияси** устида иш олиб бормоқдамиз.

Шу ўринда яна бир бор таъкидлаб айтаман: бу масала биз учун ўта муҳим ва устувор вазифа бўлиб қолади. Чунки коррупция — бу давлатимизни ич-ичидан емириб, миллий хавфсизлигимизга раҳна соладиган ғоят хатарли таҳдид ва унга қарши murosasiz кураш олиб бориш — барчамизнинг бурчимиздир.

**Учинчидан,** мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни мустаҳкамлаш, жамоат тартибини сақлаш масалаларига янада кучли эътибор қаратишимиз зарур. **"Қонун — устувор, жиноятга — жазо муқаррар"** деган конституциявий тамойилни амалда таъминлаш учун ҳуқуқ-тартибот идораларининг бор куч ва имкониятлари сафарбар этилади.

**Тўртинчидан,** муҳтарам нуронийларимиз, ҳурматли хотин-қизларимиз, азиз ёшларимизнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, хонадон ва маҳаллаларимизда, ягона ва аҳил оила бўлиб яшаётган кўп миллатли юртимизда тинчлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш биз учун бундан буён ҳам устувор вазифа бўлиб қолади.

**Бешинчидан,** сўз ва матбуот эркинлиги, оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш, давлат ҳокимияти идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга қаратилган ишларимизнинг таъсирчанлигини янада оширамиз.

**Бир ҳақиқат ҳаммамизга аён бўлиши керак: барча соҳаларда амалга ошираётган ислоҳотларимиз қатори жамиятимизда очиқлик ва ошкоралик, ўзини ўзи танқид ва демократик янгиланиш жараёнлари энди ҳеч қачон ортга қайтмайди ва биз бу йўлни қатъий давом эттирамиз.**

**Азиз ва муҳтарам ватандошлар!**

Халқимиз ҳаётини янада обод ва фаровон қилиш, юртимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир инсонга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш — давлатимиз ва жамиятимизнинг бош вазифасидир.

Мана шундай эзгу ва шарафли мақсад йўлида кексаю ёш барча ватандошларимиз бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қиладилар, янги Ўзбекистон бунёдкори бўлиб майдонга чиқадилар, деб ишонаман.

Сизларни Конституция куни байрами билан яна бир бор чин қалбимдан табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, шахсий ва ижтимоий ҳаётда катта муваффақиятлар тилайман.

Хонадонларимизни, гўзал юртимизни тинчлик-осойишталик, файзу барака асло тарк этмасин!

Барча эзгу орзу-ниятларимиз рўёбга чиқсин!

Яратганнинг ўзи ҳаммамизни паноҳида асрасин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

---

*Қонун ижодкорлиги*

## Маъмурий суд ишларини юритишни янада такомиллаштириш: таклиф ва мулоҳазалар

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бинобарин, айни шу ҳужжатлар талабига кўра, 2017 йил 1 июндан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судлари бирлаштирилиб, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилди. Жойларда маъмурий судлар фаолият бошлади.

Шу билан бирга, "Судлар тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунларга мувофиқ, 2017 йил 1 июндан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низолар ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати янги ташкил этилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) маъмурий судларига ўтказилди.

Шунингдек, 2018 йил 25 январда қабул қилинган қонун билан Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс тасдиқланди ва 2018 йилнинг 1 апрелидан бошлаб, амалга киритилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс маъмурий суд судьялари учун асосий процессуал қонун ҳужжати ҳисобланади. Унда маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни маъмурий судларда ҳал этишнинг процессуал-ҳуқуқий асослари белгилаб берилган.

Мазкур кодекснинг амалга киритилиши натижасида оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг маъмурий судлар судловига тегишли эканлиги, уларни ҳал этишнинг процессуал-ҳуқуқий асослари, тартиби белгиланди.

Янада муҳими, Конституциямизнинг 44-моддасида мустаҳкамланган ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини амалга ошириш механизмлари яратилди.

Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни адолатли ҳал қилиш фуқароларнинг Конституция ва қонунлар билан кафолатланган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда алоҳида ўрин тутади.

Шу туфайли бундай низоларнинг суд тартибида ҳал этилиши мамлакатда демократик тамойилларнинг амал қилишини янада кенгайтириб, фуқароларнинг давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қарорлари, ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини амалда таъминлаш имконини оширади.

Энг асосийси, жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат бошқаруви органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигидан суд орқали ҳимояланиши процессуал-ҳуқуқий жиҳатдан таъминланади.

2020 йил 24 июлда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг янги босқичига қадам қўйилди. Яъни Президентимизнинг "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармоннинг 1 ва 2-бандларида 2021 йил 1 январдан бошлаб:

- маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатини маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказиш;

- маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судларни ташкил этиш, шу муносабат билан туман (шаҳар) маъмурий судларини тугатиш. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари сақлаб қолиниши;

- суд ишларини назорат тартибида кўриш институтини тугатиш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва улар ўринбосарларининг суднинг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ҳамда қарорлари устидан назорат тартибида протест киритиш ҳуқуқини бекор қилиш;



- туманлараро, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан, вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг биринчи инстанция суди сифатида чиқарган қарорларини эса, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан апелляция тартибида қайта кўриб чиқиш;

- апелляция тартибида кўриб чиқилган суд қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибида қайта кўриб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган суд қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва улар ўринбосарлари протестига кўра, кассация тартибида такроран кўриб чиқиш белгиланди.

Келгусида амалга оширилиши кутилаётган ушбу ўзгартишлар, ўз навбатида, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгартишлар киритишни тақозо этади.

Шу муносабат билан мазкур кодексга қуйидаги ўзгартиришларни киритишни таклиф қиламиз:

*биринчидан;* кодекснинг 17-моддаси учинчи қисмига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларида ишларни апелляция ва кассация тартибида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатида апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриш — уч ёки ундан ортиқ тоқ нафар судьядан иборат ҳайъатда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатида Раёсатнинг кўпчилик аъзолари ҳозир бўлган тақдирда, амалга оширилиши белгиланган.

Олий судда ишларни кўришда ишни кўрувчи судьялар таркиби ва сонини белгилаш мақсадида ушбу модданинг учинчи қисмини:

*"Ишларни апелляция ва кассация тартибида кўриш уч нафар судьядан иборат таркибда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан биринчи инстанция бўйича кўрилган иш апелляция ва кассация тартибида беш нафар судьядан иборат таркибда кўрилади. Кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган суд қарорларини кассация тартибида такроран кўриш беш нафар судьядан иборат таркибда амалга оширилади",* — деган мазмунда ўзгартиш таклиф этилади;

*иккинчидан;* суд ишларини назорат тартибида кўриш институти тугатилиши, ишларни кассация тартибида кўриш Олий суднинг мутлақ ваколатига ўтказилаётганлиги сабабли, шунингдек, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг ваколатидан ишларни кассация тартибида кўриш ваколати чиқарилиши муносабати билан кодекснинг 225-моддасини:

*"Биринчи инстанция судининг апелляция тартибида кўрилган ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарори устидан берилган кассация шикояти (протести) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан кўрилади",* — деган таҳрирда баён этиш таклиф этилади;

*учинчидан;* суд ишларини назорат тартибида кўриш институти ислоҳ этилиши муносабати билан кассация шикоятини кўриб чиқиш тартибини батафсил ёритиш мақсадга мувофиқ.

Шу муносабат билан кодекснинг 239-моддасига тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритилиши лозим. Бунда, хусусан:

*- раислик қилувчининг суд мажлисини очиши, кимнинг шикояти (протести) бўйича ҳамда қайси суднинг ҳал қилув қарори устидан қандай иш кўрилишини эълон қилиши;*

*- раислик қилувчининг ишда иштирок этувчи шахсларнинг суд мажлисида келган ёки йўқлигини аниқлаши, суд таркибини эълон қилиши, суд мажлиси котиби, прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон сифатида кимлар иштирок этаётганлигини эълон қилиши;*

*- ишда иштирок этувчи шахсларга рад қилишга доир ҳуқуқларини тушунтиришидан тортиб то ишда иштирок этувчи шахслар тушунтиришлари тинглангандан сўнг кассация инстанцияси суди қарор чиқариш учун маслаҳатхонага кириши ва маслахатхонадан чиққач, қабул қилинган қарорни ўқиб эшиттиришгача* бўлган процессуал тартиб ёритилган бўлиши айни муддаодир.

**Маҳмуд ЭШИМБЕТОВ,**
*Олий суд судьяси*

# ХАЛҚИМИЗ ТОМОНИДАН ВА ХАЛҚИМИЗ УЧУН ЯРАТИЛГАН ОЛИЙ ҚОМУС




◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Хусусан, давлатимиз раҳбари қонунчилик жараёнига янги амалиётни олиб кирди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг янги, демократик шакллари жорий этилмоқда, қонун ҳужжатлари лойиҳалари кенг жамоатчилик вакиллари, миллий ва хорижий экспертлар доирасида муҳокамалардан ўтказилмоқда. Қонун ижодкорлиги жараёнига бундай янгиликлар татбиқ этилиши натижасида қонун ҳужжатларининг амалий самарадорлиги ва ҳаётийлиги кескин ошишига эришилмоқда.

Президентимиз Конституцияда белгиланган халқ ҳокимиятчилиги принципига алоҳида эътибор қаратиб, халқни эшитиш ва унинг ташвишу муаммоларини ҳал этишни, фуқароларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ўз сиёсий йўлининг қатъий ва ўзгармас принципларидан бирига айлантирди. Шу билан бирга, мамлакатимиз Конституциясида белгилаб қўйилган **"Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади"** деган конституциявий нормани бажариш вазифасини жамиятнинг ва давлат органларининг олдига кўндаланг қўйди.

Ҳаракатлар стратегияси доирасида мамлакатимизда конституциявий қонунчилик нормаларини амалда қўллаш соҳасида Ўзбекистон Президенти томонидан юксак касбий малака ва беқиёс фидокорлик билан амалга оширилган туб ўзгаришлар кўламини таҳлил қилар эканмиз, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли моддалари мисолида ушбу жараёнга оид айрим муҳим мисолларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

**Биринчи мисол.** *"35-модда. Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.*

*Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт".*

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг, уларга муносабат билдиришнинг мутлақо янги ва самарали тизими яратилиб, уларни давлат органлари томонидан кўриб чиқиш амалиёти тубдан ўзгарди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, шунингдек, туманлар ва шаҳарлардаги Халқ қабулхоналари мазкур тизимнинг марказий бўғинига айланди. Ушбу янги тизимлар, ўз навбатида, давлат органларининг халқ томонидан кўтарилаётган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш борасидаги масъулиятини кучайтириш ва пировард натижада асосий конституциявий нормани ҳаракатга келтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

**Иккинчи мисол.** *"29-модда. Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.*

*Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин".*

Сўнгги вақтларда Президентимизнинг қатъий ироdasи туфайли мамлакатимизнинг миллий ахборот соҳасида чинакамига инқилобий ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, оммавий ахборот воситалари, мамлакатимиз фуқаролари ўз фикрини эркин ифодалаш имкониятига эга бўлди. Мамлакатимиз ахборот майдонида шундай очиқлик ва сўз эркинлиги муҳити яратилдики, ҳар бир муаммо яширилмасдан ошкора жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқила бошлади, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотнинг очиқлиги принципи қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаб қўйилди.

**Учинчи мисол.** *"40-модда. Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга".*

Ўзбекистон Президенти дунёни таҳликага солган пандемия билан боғлиқ мураккаб ва оғир вазиятларда бутун масъулиятни қатъий ирода билан ўз зиммасига олди ва барча давлат идораларини, жамоатчиликни бу хавфнинг олдини олиш чораларини кўришга сафарбар этди. Натижада Ўзбекистон коронавирус инфекцияси пандемияси туфайли қурбонлар сонини ва иқтисодий йўқотишларни энг паст кўрсаткичга тушира олган озчилик мамлакатлар қаторидан жой олди. Миллий ва халқаро ҳамжамият соғлиқни сақлаш миллий тизимидаги ислоҳотларни амалга оширишда давлатимиз раҳбарининг шахсан иштирок этганлиги фуқароларнинг малакали тиббий хизматга бўлган конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, мамлакатни коронавирус пандемияси билан боғлиқ оғир нохуш оқибатлардан халос этиш имкониятини берганлигининг гувоҳи бўлди.

**Тўртинчи мисол.** *"42-модда. Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.*

*Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади".*

Ўзбекистон Президентининг бевосита ташаббуслари илм-фан, техникани, маданиятни ривожлантириш соҳасини жонлантиришга қаратилган кенг кўламли лойиҳаларни амалга ошириш учун асос бўлди. Давлат бошлиғи таълим ва маданиятни ривожлантириш жараёнларига янгича шакл-шамойил берди. Бу борада замонавий глобал тараққиётга ҳамоҳанг бўлган ва ҳар бир шахсни ижодий, инновацион, маданий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган миллий тизимни яратишнинг тамал тошини қўйди.

Натижада кенг кўламли изланишлар, тузилмавий ўзгаришлар туфайли барча даражадаги таълим, илмий тадқиқотлар, инновацион ишланмалар тизими, миллий маданиятни ривожлантириш жараёнлари қайта жонлана бошлади.

Умуман, Президентимиз Асосий Қонунимизнинг бутун фалсафаси ва руҳини барчамизга чуқур сингдириш билан бир қаторда, унда мустаҳкамлаб қўйилган барча нормалар ва принциплар ҳаётга татбиқ этилишига эриша олди. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Конституциямиз янги демократик нормалар билан бойитилди.

Мухтасар айтганда, Президентимиз халқ хоҳиш-иродаси билан яратилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бутун қудрати ва салоҳиятини ўзининг шахсий намунаси, тиним билмас ташаббускорлиги билан барчамизга намойиш этмоқда. Шу нуқтаи назардан, Шавкат Мирзиёевнинг ҳуқуқий давлат ва инсонпарварлик принципларига нисбатан ҳурмати, содиқлиги, шунингдек, қонунийликни ва Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқий нормаларнинг аниқ бажарилишини таъминлашга бўлган интилишлари ҳаммамиз учун улкан ибратдир.

**Нурдинжон ИСМОИЛОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери.*
**ЎзА**

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Шу боис фуқаро ушбу дастурни тарқатган шахсни аниқлаб, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраган.

Мазкур ҳолат юзасидан Ички ишлар вазирлиги Тезкор-қидирув ҳамкорлиги бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган дастлабки терговолди текширув ҳаракатлари давомида фуқаро М.А. смартфони текшириб кўриш учун олинди.

Смартфондаги дастур текшириб кўриш учун "Киберхавфсизлик маркази" давлат унитар корхонасига тақдим қилингач, ушбу телефон аппарати "Телеграм" мессенжеридаги "Uydagi_Yulduzlar" @Fan club Miz # Uyda QOLING" (@fan_club_miz) номли каналда тарқатилган NET NOMER ANIQLOVCHI.APK дастури зарар келтирувчи вирусли дастур эканлиги аниқланади.

Суриштирув ишлари натижасида эса, "Телеграм" мессенжеридаги "Uydagi_Yulduzlar" @Fan club Miz # Uyda QOLING" (@fan_club_miz) номли канал Наманган вилояти, Тўрақўрғон туманида яшовчи, ҳозирда Наманган маданият ихтисослаштирилган мактаби ўқувчиси, 2001 йилда туғилган М.Ж.га тегишли эканлиги маълум бўлди.

Шу сабабли 4 июль куни Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлими томонидан М.Ж.га нисбатан Жиноят кодексининг 278-6-моддаси 1-қисми (Зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш) билан жиноят иши қўзғатилди. Ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Кибержиноятларнинг турлари шунчалик кўпки, улар АКТ соҳаси тараққий этган сари янада кўпаймоқда. Хусусан, Тошкент шаҳар, Юнусобод туманида доимий рўйхатда турувчи, "Next" савдо мажмуасида сотувчи бўлиб ишловчи, 1999 йилда туғилган Жаҳонгир У. ариза билан мурожаат қилиб, 10 май куни ўзига тегишли бўлган банк пластик картасидан 2.020.000 сўм миқдоридаги маблағни номаълум шахс "Telegram" ижтимоий тармоғидаги "Click va UzCard rasmiy Dilleri" номли аккаунти орқали хуфия йўллар билан ечиб олганини маълум қилган.

Бу фуқаро ҳам пластик картасидан пулларини ноқонуний ечиб олган номаълум шахсни аниқлаб, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраганлиги боис, ушбу ҳолат юзасидан Тошкент шаҳар ИИББ Тезкор-қидирув ҳамкорлиги бўлими ва Юнусобод тумани ИИО ФМБ жиноят-қидирув бўлими ходимлари билан ҳамкорликда тезкор суриштирув ишлари олиб борилди.

Бу жараёнда Фарғона вилояти, Бешариқ туманида доимий рўйхатда турувчи, шу туманда жойлашган мактабгача таълим муассасаси ўқитувчиси, 1999 йилда туғилган фуқаро Пиримқул Ж. аниқланиб, ушланди.

Ушбу ҳолат юзасидан Пиримқул Ж. билан олиб борилган суриштирув ишлари давомида у жиноий ҳаракатларини амалга ошириш ва жиноят изларини яшириш мақсадида, май ойининг бошларида "Samsung J" русумли телефон аппарати ҳамда Интернет тармоғи орқали АҚШда рўйхатга олинган +1(747)251-5148 SIP телефон рақамига "Telegram" ижтимоий тармоғида "Click va UzCard rasmiy Dilleri" номли аккаунтни рўйхатга олиб, Click ва UzCard ташкилотлари номидан "Telegram" ижтимоий тармоғида мавжуд канал ва гуруҳ обуначилари ишончига кирганини маълум қилди.

Сўнгра у алдов йўли билан обуначиларга тегишли бўлган банк пластик карталарининг маълумотларини олиб, уларда бўлган барча маблағларни яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, Интернет тармоғи орқали P2P халқаро пул ўтказмалар тизимига уланиш орқали маблағларни ечиб олган.

Жаҳонгир У. жиноий йўл



## Ҳушёрлик ва огоҳлик – кибержиноятчилар тузоғидан энг яхши ҳимоя

билан топилган жами 8.000.000 сўм миқдордаги маблағни яна Интернет тармоғи орқали легаллаштирган. Кейин отаси — вақтинча ишсиз, 1968 йилда туғилган Диёр А.нинг номига Миллий банк томонидан расмийлаштирилган Виртуал банк пластик картасига ўтказиб юборган.

Пиримқул Ж.нинг "Samsung J" русумли телефон аппарати кўздан кечирилганда, "Telegram" ижтимоий тармоғида АҚШда рўйхатга олинган +1(747)251-5148 SIP телефон рақамига боғланган "Click va UzCard rasmiy Dilleri" номли аккаунти, "ClickBOT" аккаунтида виртуал банк пластик картаси борлиги аниқланди.

Унинг виртуал банк пластик картасида 20 май ҳолатига кўра, жами 19.283.000 сўм миқдорида маблағ мавжуд экан. Ундан "Samsung J" русумли телефон аппарати ашёвий далил сифатида олиниб, тўпланган ҳужжатлар қонуний чора кўриш учун Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИО ФМБ ҳузуридаги Тергов бўлимига топширилди.

Ҳозирда Пиримқул Ж.нинг Тошкент шаҳар ҳудудида содир этилган ушбу турдаги жиноятларга алоқадорлиги тезкор йўллар билан текширилмоқда.

Шу ўринда яна бир мисол: Бухоро шаҳар, Қизилқум кўчасида яшовчи Гулноза Б. 9 май куни Бухоро вилоят ИИБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилиб, "Telegram" мессенжерида "Ipoteka_Bank_ATIB_(official)" ботга ўзининг пластик картасига микрокредит расмийлаштириш учун мурожаат қилганидан сўнг бот унинг саволларига жавоб бериш билан бир қаторда пластик карта рақамлари, махсус коди ҳамда ушбу пластик картани бошқарадиган мобиль алоқа оператори рақамлари ва қўшимча махсус кодларни автомат равишда аниқлаб олганлигини билдирди.

Оқибатда ушбу пластик карта ҳисобидаги 3 627 500 сўм ҳамда ушбу пластик карта учун 1 600 000 сўм миқдоридаги кредит расмийлаштирилиб, жами 5 227 500 сўм миқдоридаги маблағ ўғирлаб олинган.

Гулноза Б. пулларини хуфия йўл билан олиб қўйган ушбу шахсни аниқлаб, қонуний чора кўришда амалий ёрдам сўради.

Ариза юзасидан олиб борилган тезкор-техник текширувлар ва тузоқ дастурлари натижасида Гулноза Б.нинг пуллари Гулистон давлат университети талабаси, Фарғона вилояти, Риштон туманида яшовчи Жасур О.га алоқадор бўлган виртуал ҳисоб рақамига келиб тушганлиги аниқланди.

Гумонланувчи Жасур О. содир қилган жиноятини яшириш мақсадида, қўлга киритилган пулларни, конвертация иловаларидан фойдаланган ҳолда, Қозоғистон Республикасининг турли рақамларига рўйхатга олинган "Qiwi" ҳамёнларига электрон валютани айирбошловчилар ёрдамида жўнатган.

Шундан сўнг ушбу пулларни 1Xbet, Melbet букмейкерликка асосланган фаолиятлар орқали Ўзбекистон Республикасига қайта киритиб, бошқа бир қатор операциялар билан ўғирланган пулларни ўзининг виртуал ҳисоб рақамлари орқали нақдлаштириб олганлиги ойдинлашади.

Шу билан бирга, Жасур О.нинг барча ҳисоб рақамлари текшириб кўрилиб, суриштирув жараёнида унга мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан кўплаб фуқаролар мурожаат қилганлиги аниқланди. Бинобарин, у жами 30 миллион сўмга яқин маблағни фуқароларнинг пластик карталаридан ўғирлаб олганлигини, барча ҳаракатларни мобиль телефони орқали амалга ошириб келганлигини тан олишидан бошқа илож топмади. Натижада Жасур О.нинг 1 дона қўл телефони ҳамда 4 дона пластик картаси далилий ашё сифатида ҳужжатлаштириб олиниб, тўпланган ҳужжатлар Бухоро шаҳар ИИО ФМБ 1-сон ИИБ ҳузуридаги Тергов гуруҳига топширилди.

Қайд этиш керакки, бугунги кунда дунё бўйлаб банк пластик карталари орқали тўловни амалга ошириш энг қулай усул сифатида тан олинган ва амалиётда кенг қўлланилади. Пластик карта йўқолиб қолган тақдирда ҳам, ундан ҳеч кимса фойдалана олмаслиги — маблағларнинг ҳимояланганлиги кафолатидир.

Юртимизда ушбу тизимни такомиллаштириш, хавфсизлик чораларини кўриш бўйича ваколатли ҳуқуқ-тартибот ҳамда банк идоралари билан ҳамкорликда муайян чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Биламизки, Интернет тармоғида шубҳали манбалар орқали маълумот олиш, норасмий иловаларни юклаб олиш, эълон ва электрон манзилларга жавоб бериш имконияти чеклаб қўйилган. Жумладан, шубҳали ва ишончсиз манбалар билан боғланиш натижасида нафақат маълумотларингиз тарқалиб кетиши, балки пулларингиздан айрилиб қолиш хавфи борлигини доим ёдда тутиш зарур. Сир эмаски, ҳозирги кунда фуқароларнинг банк пластик карталаридаги пул маблағини ўғирлаш ҳолатлари тез-тез учраб турибди.

Хусусан, 2020 йил 7 январь куни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тезкор-қидирув ҳамкорлиги бошқармаси ҳамда Жиззах вилояти ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлари давомида Жиззах вилояти Пахтакор туманида яшовчи А.А. фуқароларнинг банк пластик карталаридаги пул маблағларини ўғирлаганликда гумон қилиниб, ушланган.

Терговга қадар текширув давомида А.А. Ўзбекистон Республикаси муассасаларининг UZCARD, "Milliy", "Payme" каби 16 та электрон пул ўтказиш тизими иловалари орқали жабрланувчиларга тегишли бўлган банк пластик карталаридаги пул маблағини ўзлаштириш билан шуғулланганлиги аниқланди.

У жами 1061 нафар фуқаронинг пул маблағини ўзлаштиришга ҳаракат қилган. Улардан 472 нафарининг банк пластик карталарини электрон тўлов билан боғлиқ турли хил мобил иловалар орқали ўз назоратига олган.

Мазкур фуқаро @phpbot дастури орқали Телеграм мессенжеридаги канал ва гуруҳ аъзоларига автобот ёрдамида ҳар хил ютуқларни қўлга киритганлиги тўғрисидаги хабар юборган. Жумладан, "As-servis" Телеграм гуруҳида 40 нафардан, "OLX" гуруҳида 30 нафардан, "shop guruh" гуруҳидан 90 нафардан ортиқ фуқаронинг пластик карталарини ўз мобил иловасига бириктириб, уларнинг пластик карталаридаги пул маблағларини электрон "qiwi" ҳамёнига "рубль" эвазига сотиб юборган.

Бундан ташқари у ўзининг жиноий ҳаракатларини яшириш мақсадида, 7 та Телеграм мессенжеридаги сохта профиллардан ҳамда АҚШга тегишли бўлган 20 дан ортиқ виртуал мобил рақамларидан, шунингдек, ўзига тегишли бўлган электрон валюта ҳамёнларини Россия фуқаролари номига расмийлаштириб, улардан ўз манфаати йўлида фойдаланган.

Бундан ташқари 2020 йил февраль ойида Тошкент вилояти, Оққўрғон туманида яшовчи фуқаро ўзига тегишли банк пластик картасидаги 2.747.000 сўм миқдоридаги пул маблағи номаълум шахс томонидан ўғирланганини юзасидан ички ишлар идорасига ариза билан мурожаат қилди.

Ички ишлар вазирлиги Тезкор-қидирув ҳамкорлиги бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тезкор-техник ва суриштирув тадбирлари давомида аризачига ва бошқа яна 5 нафар фуқарога тегишли банк пластик карталаридаги жами 17 миллион сўмдан ортиқ маблағ Тошкент вилояти, Оққўрғон туманида яшовчи фуқаро А.Д. томонидан ўғирлангани аниқланди.

Шунингдек, 2020 йил апрель ойида Жиззах вилояти, Фориш туманида яшовчи Э.И. ички ишлар идорасига мурожаат қилиб, 2020 йил 21 март куни ўзига тегишли бўлган банк пластик картасидаги 799.920 сўм миқдоридаги пул маблағи номаълум шахс томонидан ўғирланганини маълум қилди.

Тезкор-техник тадбирлар давомида ушбу пул маблағи Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл туманида яшовчи Д.А. ўзининг яқин таниши бўлган А. Н.нинг турмуш ўртоғига тегишли бўлган банк пластик картасига ўтказиб, сўнгра банкомат орқали нақдлаштириб олгани аниқлаган. Д.А. ўз айбига тўлиқ иқрор бўлди. Бу ҳолат юзасидан 2 дона банк пластик картаси далилий ашё тарқасида олиб, ҳозирги кунда юқорида қайд этилган ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, банк пластик карталарига эга бўлган барча фуқароларни эҳтиёткорлик чораларини унутмасликка чақириб қоламиз ва бир қатор оддий қоидаларни ёдда тутишни илтимос қиламиз. Хусусан, банк пластик картани хавфсиз жойда сақлаш, карта PIN-кодини учинчи шахсларга бермаслик ва жамоат жойларида овоза қилмаслик, пластик карта боғланган мобил иловага тегишли паролни ҳеч кимга айтмаслик ва учинчи шахсларга юбормаслик, пластик картанинг ўзида PIN-кодни эслатма тариқасида ёзиб қолдирмаслик шулар жумласига киради.

Афсуски, дунё миқёсида давом этаётган пандемия ҳам кибержиноятчиликнинг ортишига олиб келмоқда. Хусусан, 2020 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда фирибгарлик жиноятлари сони бир йил олдингига қараганда икки баробарга кўпайиб, олти ойда 3881 тани ташкил этди. Замонавий технологиялар ривожлангани сари фирибгарликнинг янгидан-янги турлари пайдо бўлмоқда.

Шу маънода, фуқароларни яна бир бор огоҳликка чақирамиз. Зеро, ушбу жиноятнинг олдини олишда энг асосий чора — айнан ҳушёрлик ва мулоҳаза билан иш кўришдан иборат.

**Қутбиддин БУРХОНОВ,**
*Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси*

*Глобал экологик муаммо*

# Табиат чекмасин азият

*ёхуд атроф-муҳит муҳофазаси учун барчамиз масъулмиз*



***Инсоният юксак мақсадлар сари интилаётган, тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган ҳозирги паллада жаҳон ҳамжамияти олдида глобал экологик муаммоларни ҳал этишдек долзарб вазифалар турибди.***

Сайёрамизнинг қайсидир бир четида сув тошқини, ўрмон ёнғини, чанг-бўрон ва бошқа табиий офатлар юз бермоқда. Дунё бўйича сув сатҳи кўтарилмоқда. Озон қатламининг емирилиши, тропик ўрмонларнинг кесилиши, чўлланиш, чучук сув манбаларнинг камайиши, тез-тез дуч келинаётган глобал иқлим ўзгариши инсоният экологик инқироз билан юзма-юз турганини кўрсатади.

Ҳеч кимга сир эмас, экологик муаммога буткул барҳам беришнинг ягона йўли — она табиатни кўз қорачиғидек асрашдан иборатдир.

Статистик маълумотларга қараганда, атроф-муҳит муҳофазаси масаласи илк маротаба 1972 йилда Стокгольмда ўтказилган БМТ конференциясида муҳокама қилинган. Мазкур конференцияда **"Инсон фаровон ва юқори қадр-қимматга эга ҳаётни тақозо этадиган муҳитда яшамоғи лозим"** ғояси илгари сурилган.

Бу тарздаги муҳим халқаро анжуман сифатида яна Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1992 йил Рио-де-Жанейрода ўтказилган конференцияни мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. Ушбу конференцияда иккита асосий ҳужжат — "Рио-де-Жанейро Диклорацияси" ва "XXI аср учун кун тартиби" қабул қилинган.

Мазкур анжуманнинг яна бир тарихий аҳамияти шундаки, унда иккита муҳим конвенциялар қабул қилинган. Улардан бири "Иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенция" бўлса, иккинчиси "Био хилмахиллик бўйича конвенция"дир.

**(Давоми 4-бетда)** ▶

*Оқлов*

# Қарор топган адолат

*севинч кўз ёшларига сабаб бўлди*

◀ (Бошланиши 1-бетда)

И.Исмоилов укасининг "Спарк" автомашинасидан фойдаланаётган, айни шу кезларда С.Хайриев унга ҳайдовчилик қилаётганди. Эҳтиёт қисмлар келганини эшитган куниёқ И.Исмоилов ҳайдовчи С.Хайриев билан дўконга боради.

Сотувчига 30 миллион сўм нақд пул тўлайди. Эҳтиёт қисмлар учун ўзининг "VILBRED" масъулияти чекланган жамияти ҳисоб рақамига "MUNJAL SHIFER" масъулияти чекланган жамиятидан икки кунда маблағ тушгач, қолган 18 миллион сўмни ҳам беришини айтади.

Дўкон сотувчиси иккиланиб қолади. Сўнгра у "Ўн саккиз миллион сўм катта пул, қарзга беролмайман" дейди.

И.Исмоилов билан ҳайдовчи ўз таклифларига рози бўлишини илтимос қилади. Шундан сўнг сотувчи Ф.Расулов бозорда савдо қилувчи "Шавкат" исмли поччасини чақириб келади.

"Шавкат" уларнинг гапларини эшитгач, бироз ўйланиб, сўнг таклифига рози бўлади.

И.Исмоилов дўкондан олган эҳтиёт қисмларни "MUNJAL SHIFER" масъулияти чекланган жамиятига олиб бориб топширади. Бироқ масъулияти чекланган жамияти мутасаддилари пулларни тадбиркорнинг ҳисоб рақамига ҳадеганда кўчириб бермайди.

И.Исмоилов масъулияти чекланган жамият раҳбари ва бошқа масъул ходимлар олдига мунтазам қатнайди. Улар эса, турли баҳоналар билан вақтни чўзишади. Бу томонда дўкон сотувчиси пулни сўраб, тез-тез қўнғироқ қилишдан чарчамайди.

И.Исмоилов дўкон сотувчиси пулни сўрайвергач, у ҳам "эрта-индин" деб ёлғон гапиришга мажбур бўлади. Тадбиркор И.Исмоилов "MUNJAL SHIFER" масъулияти чекланган жамиятининг банкдаги ҳисоб рақамига тўлов талабномаси қўяди.

Хуллас, 2019 йилнинг апрель ойи бошларида унмаётган қарзи унади: "MUNJAL SHIFER" масъулияти чекланган жамияти ҳисоб рақамидан ўзининг "VILBRED" масъулияти чекланган жамиятига эҳтиёт қисмлар учун пуллар тўлиқ келиб тушади. И.Исмоилов қарзнинг 10 миллион сўмини худди шу пайтнинг ўзида пластик картасидан тўлайди.

Аммо Ф.Расулов эса, ўзини алдангандек ҳис этиб, ички ишлар идорасига ариза билан мурожаат қилади. У ўз аризасида И.Исмоилов фирибгарлик йўли билан эҳтиёт қисмлари олиб кетгани, 8 миллион сўмни бермасдан алдаб юрганини баён этади.

Шундан сўнг тадбиркор устидан жиноят иши қўзғатилади. У Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "б" бандидаги жиноятни содир қилганликда айбланиб, иши судга ўтказилади.

— Ҳозирда Ф.Расуловга қолган 8 миллион сўмни бердим, — деди судда судланувчи. — "MUNJAL SHIFER" масъулияти чекланган жамиятидан пулларни ололмаётганим, олсам қолган 8 миллион сўмни беришимни баҳона қилишимга оилавий аҳволим сабаб бўлганди.

Суд жабрланувчи Ф.Расулов, гувоҳ Ш.Адҳамов ва С.Хайриевнинг кўрсатмаларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқди. Бир қатор асосларга кўра, И.Исмоиловни жиноят содир этишда айбсиз деб топиб, уни оқлади.

Энди уни айбсиз деб оқлаш сабабларига эътибор қаратамиз.

Гап шундаки, Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга қадар айбсиз ҳисобланади. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги кўрсатилган.

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексининг 463-моддасида айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майда қабул қилинган "Суд ҳукми тўғрисида"ги қарори 7-бандида Жиноят процессуал кодексининг 462-моддасига мувофиқ, суд айблов ёки оқлов ҳукми чиқариши мумкинлиги, ушбу кодекснинг 23-моддасида назарда тутилган айбсизлик презумпцияси принципи ҳукм турини аниқловчи мезон сифатида эътироф этилиши ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Бироқ тергов органи томонидан юқорида қайд этилган қонун талаблари ва Олий суд Пленуми қарорлари тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Тергов органи И.Исмоиловнинг Ф.Расулов билан ўзаро олди-сотдидан иборат бўлган фуқаролик муносабатлари ҳақида хавфли рецидивист томонидан фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритишда ифодаланган жиноий ҳаракатни содир этганликда айбли, деб топиш деган асоссиз хулосага келган.

Олий суд Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги "Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори 3-бандида фирибгарлик ўзганинг мулкини ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор ё унинг вакили, мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериши ёки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият бериши эканлиги қайд этилган.

Шунингдек, ушбу қарорнинг 8-бандида агар ўзганинг мулкини эгаллашга нисбатан қасд айбдорда мулк қабул қилингандан кейин юзага келган бўлса, шахснинг ҳаракатлари фирибгарлик таркибини ташкил этмаслиги, муайян ҳолатларни инобатга олган ҳолда ўзганинг мулкини ўзлаштириш ёки растарата қилиш йўли билан талон-торож қилиш сифатида баҳоланиши лозимлиги қайд этилган.

Мазкур бандда агар шахс ўз зиммасига олган мажбуриятларини уни ижро этиш жараёнида айрим объектив сабабларга кўра, масалан, мулкий ночорлиги, шартнома тузишда тарафлар учун асос бўлган вазиятнинг жиддий ўзгариши, оғир касаллиги, фавқулодда ҳолат туфайли бажара олмаса ёки ўзганинг мулкини эгаллашга нисбатан қасд мавжудлигини исботлашнинг имкони бўлмаса, бундай ҳолатлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низо сифатида баҳоланиб, фуқаролик, иқтисодий суд иши юритуви тартибида ҳал этилиши ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Судда аниқланган ҳолатларга кўра, Кармана туманлараро иқтисодий судининг 2018 йил 23 апрелдаги ҳал қилув қарорига асосан, "MUNJAL SHIFER" масъулияти чекланган жамияти эгалигидан Навоий шаҳар, Спутник қўрғонида жойлашган "ЖБИ — 2"заводи биноси ва иншоотларни эгаллаб турган ер майдони билан биргаликда давлат мулкига, яъни Навоий шаҳар ҳокимлиги балансига олиб берилган.

"Микрокредитбанк"нинг Навоий вилоят минтақавий филиали берган маълумотномасига қараганда, ҳақиқатан ҳам, "MUNJAL SHIFER" масъулияти чекланган жамиятининг ҳисоб рақамига И.Исмоиловга тегишли "VILBRED" масъулияти чекланган жамияти томонидан тўлов талабномаси қўйилган.

Тадбиркор И.Исмоилов Ф.Расуловга эҳтиёт қисмлар учун бериши лозим бўлган 48 миллион сўм пулдан 40 миллион сўмини Ш.Адҳамов ва С.Хайриевнинг иштирокида берган. Бундай ҳолда И.Исмоиловни Ф.Расуловнинг мулкини фирибгарлик йўли билан қўлга киритишга нисбатан қасди мавжудлиги бирон-бир объектив далиллар билан тасдиқланмади.

Ваҳоланки, И.Исмоилов эҳтиёт қисмларни олаётган пайтда Ф.Расулов билан "MUNJAL SHIFER" масъулияти чекланган жамиятига эҳтиёт қисмларни топшириб, икки томонлама тузилган шартномага асосан пул маблағлари ўзининг ҳисоб рақамига тушганидан сўнг олиб келиб беришини айтиб, ўзаро келишган.

И.Исмоилов "MUNJAL SHIFER" масъулияти чекланган жамияти тугатилиши муносабати билан пулини ололмай қолиб, 2019 йил апрель ойида тўлов талабномаси орқали пулни олишга эришган. Ф.Расуловга қарздорлик ҳисобидан 10 миллион сўмни бериб, қолган қисмини тез орада беришини маълум қилган. Қолган 8 миллион сўмни имконияти бўлмаганлиги сабабли келишилган муддатда тўлай олмаган.

Суд юқорида келтирилган Олий суд Пленум қарори раҳбарий тушунтиришлари ва фуқаролик қонунчилигига мувофиқ бундай ҳолда И.Исмоилов ўз зиммасига олган мажбуриятни объектив сабабга кўра, аниқроғи, имкони бўлмаганлиги боис ўз вақтида, яъни оғзаки келишувга кўра, келиб чиққан мажбуриятини тўлиқ бажармаганлигини фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари бўйича келиб чиққан низо сифатида баҳолади. Шу сабабли И.Исмоиловнинг ҳаракатларида жиноят таркиби мавжуд эмас, деган қатъий тўхтамга келди.

Суд юқоридагиларга асосланиб, И.Исмоиловни жиноят содир этганликда айбсиз деб топди ҳамда уни жиноий ҳодиса юз бермаганлиги сабабли оқлади.

Хулоса қилиб айтганда, қарор топган адолат севинч кўз ёшларига сабаб бўлди. Оилали, икки нафар фарзанднинг отаси, тадбиркор Иброҳим Исмоилов оиласи бағрида қолганидан, ҳақиқат борлигию адолат тантанасидан, одил судлов ҳақлигидан бениҳоя қувонди, шукроналик келтирди.

**Суннат БОЛТАЕВ,**
*жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг судьяси*
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

---

*Глобал экологик муаммо*

# Табиат чекмасин азият

*ёхуд атроф-муҳит муҳофазаси учун барчамиз масъулмиз*



◀ (Бошланиши 3-бетда)

Шуни алоҳида қайд этиш кераккки, мамлакатимиз юқорида қайд этилган халқаро ҳужжатларга қўшилган. Бундан ташқари мамлакатимизда ушбу йўналишда мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган. Хусусан, табиий иқлим шароитларини сақлаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб берган "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинган.

Юртимизда табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар ушбу қонун, шунингдек, ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари тўғрисида, атмосфера ҳавосини, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниб келинмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг қатор моддаларида атроф-муҳитга зарар етказиш билан боғлиқ ғайриқонуний ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик чоралари белгилаб қўйилган.

Шунингдек, амалдаги Жиноят кодексининг тўртинчи бўлими "Экология соҳасидаги жиноятлар"-ни қамраб олган. Кодекснинг XIV боби "Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар"-ни ўз ичига жамлаган.

Қонун талабига кўра, атроф-табиий муҳитга зарар етказган корхона, ташкилот ва муассасалар, шунингдек, шахслар етказилган зарарни, шу жумладан, бой берилган фойда ўрнини қоплаш шарт. Қисқаси, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун миллий қонунчилигимизда жиноий жавобгарлик билан бирга моддий жавобгарлик ҳам белгилаб қўйилган.

Яқинда Каттақўрғон тумани экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси биносида бўлиб ўтган сайёр суд мажлисида З.Тешаев (исм-шарифлар ўзгартирилди)га оид жиноят иши судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг иштирокида кўриб чиқилди.

Суд Завқиддин Тешаевни Жиноят кодексининг 198-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топиб, унга нисбатан икки йил олти ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлади. Суд ҳукми билан судланувчига вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси фойдасига етказилган 274 миллион 290 минг сўм моддий зарарни қоплаш мажбурияти юклатилди.

Суд судланувчи З.Тешаевга қўшимча чекловлар ҳам белгилади. Шунингдек, унинг хулқи устидан назорат олиб боришни туман Ички ишлар бўлимига, моддий зарарни ўн ой ичида қоплаш мажбурияти бўйича назоратни амалга оширишни Мажбурий ижро бюроси Каттақўрғон туман бўлими зиммасига юклатилди.

Шу ўринда воқеа баёнига тўхталадиган бўлсак, судланувчи З.Тешаев фермер хўжалиги раиси вазифасида ишлайди. Фермер хўжалиги дала шийпони ҳудудида "Грант транс" ММТП ҳисобида бўлган тўққиз туп қимматбаҳо "Шарқ чинори" дарахтлари бор эди. Шу йилнинг 30 январь куни вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси ҳамда туман экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси ходимлари келишса, ана шу қимматбаҳо дарахтлар кесиб олинган экан.

Чинор дарахтларини Давлат экология қўмитаси органларининг хулосалари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг рухсатномаларини олмасдан туриб, фермер хўжалиги раиси З.Тешаев қонунга хилоф равишда кесган. Мутахассислар томонидан ўрганилганида ҳар бирининг диаметри 72, 47, 47, 66, 69, 54, 72, 48 ва 59 сантиметр бўлган, жами тўққиз туп қимматбаҳо чинор дарахтлари танаси қуримагани ва чиримаганини аниқланди.

Давлат экология қўмитаси тасарруфидаги идоралар ходимлари, тартибга кўра, дов-дарахтлар нобуд қилингани ёки кесилгани ҳолати аниқланган тақдирда, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 январдаги "Давлат ўрмон фондига кирмайдиган ерларда дарахтлар ва бўталардан фойдаланишни тартибга солиш ва улардан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 43-сонли қарорига асосан, етказилган зарар миқдорини ҳисоб-китоб қилишади. Худди шундай ҳисоб-китоб ўтказилганда 274 миллион 290 минг сўм зарар етказилганлиги маълум бўлди. Бундай ҳолатда эса, етказилган зарар вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси ҳисобига ундирилиши керак.

Суд олий маълумотли, оилали, беш нафар фарзанднинг отаси, муқаддам судланмаган З.Тешаевга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда унинг айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлиги ва муқаддам судланмаганлигини, Жиноят кодексининг 55-моддасига асосан, жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топди. Мазкур жиноятни ғараз ва бошқа паст ниятларда содир қилганини эса, Жиноят кодексининг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида эътироф этди.

Хулоса қилиб айтганда, табиатга қилинган ҳар қандай тажовуз жиноий жавобгарликка сабаб бўлди. Она табиат ва ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш, давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахт ҳамда бўталарнинг қимматбаҳо навларини сақлашга ҳар биримиз бурчли эканлигимизни унутмаслигимиз даркор.

**Темур АЛМАМАТОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон тумани судининг раиси*

---

*Жиноят ва жазо*



# Ғараз ният

*инсон шаъни ва ор-номусига қора доғ туширади*

***Маълумки, инсоннинг ҳаётда рўшнолик ва фаровонликда ёки афсус-надомат ичида яшаши унинг ниятига, қолаверса, нафс амрига бўйсуниш-бўйсунмаслигига боғлиқ. Афсуски, бу азалий-ўзгармас ҳақиқатни ҳамма ҳам тан олавермайди. Натижада меҳр-оқибатга йўғрилган эзгу амалларга соя ташлайдиган, одамлар кўнглини ғашлайдиган турли даражадаги жиноятлар юз беради.***

***Андижонлик ўғрилар Фарғонада қўлга олинди***

Андижон шаҳрида яшовчи Мирзо Шералиев, Элдор Янгибоев ва Фаррух Рўзматов (исм-шарифлар ўзгартирилган)ларни ҳам ғараз мақсад, яъни ўғирлик режаси Фарғона шаҳрига етаклади. Не ажабки, уларга фарғоналик Дониёр Жуманов шерик ҳам бўлди. "Ўзингдан чиққан балога — қайга борурсан даъвога" деб шуни айтсалар керак.

Гап шундаки, Мирзо билан Элдор шу йилнинг 17 январь куни тонг қоронғусида — соат $06^{00}$ ларда Фарғона шаҳрининг Ватан Равнақи кўчасига етиб келишади. Сўнг атрофда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, кўчанинг 106-уйи олдида турган, У.Ҳамидовга тегишли "Cobalt" русумли автомашинанинг ойнасини синдириб, эшигини очишади. Оқибатда автомашина ичидаги нархи 600 АҚШ долларига тенг "EPSON" номли видеопроектор аппаратини ўғирлашади. Бироқ видеопроекторнинг ўғирланганини айтмай, фуқаро Ш.Камоловга 1.055.000 сўмга сотиб юборишади.

Шундан сўнг ҳамтовоқлар 6 кун танаффус қилиб, 2020 йил 23 январь куни яна Фарғонага ташриф буюришади. Фақат бу гал бошқа манзилни — шаҳарнинг Маърифат кўчасини мўлжалга олишади. Аниқроғи, соат $19^{00}$ларда ана шу кўчанинг 20-уйида яшовчи Қ.Ҳошимовнинг дарвоза олдида қолдирилган "Nexia-3" русумли автомашинасини аввалги усулда очишади. Кейин салондаги 1 дона нархи 4.500.000 сўмлик "HP" русумли ноутбук, 2 дона эркаклар катмони ва унинг ичига солинган 300 АҚШ долларини ўғирлаб, яширинишади. Кейин эса ўғирланган "HP" русумли ноутбукни фуқаро Д.Комиловга 600.000 сўмга пуллашади.

Буни қарангки, орадан яна 6 кун ўтиб, Э.Янгибоев ўзига Фаррухни шерик қилган ҳолда учинчи маротаба ўғирликка қўл уради. Лекин Фарғонага келишга эриниб, соат $18^{00}$ ларда Андижон шаҳрининг Машраб кўчасидаги 22-уй олдида қаровсиз қолдирилган, жабрланувчи А.Исаевга тегишли "Spark" автомашинасининг эшигини ўзларида мавжуд қўшимча воситалар ёрдамида очишади. Аммо автомашина ичидаги қимматбаҳо буюмларни ўғирлашаётган пайтда шу ҳудудда хизмат олиб бораётган ички ишлар ходимлари томонидан ушланишади. Пировардида жиноий ҳаракатларини ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабга кўра, охирига етказа олишмайди.

Бироқ "қаҳрамон"ларимизнинг кўзи шунда ҳам очилмайди. Яъни М.Шералиев, Ф.Рўзматов ва Д.Жумановлар Фарғонага келиб, шаҳарнинг Баҳор кўчасидаги "Қандак" тўйхонаси ёнида қаровсиз қолдирилган, фуқаро О.Абдурасуловнинг "Nexia-2" русумли автомашинасини калит танлаш йўли билан очишади. Сўнгра автомашина салонида турган нархи 2.670.00 сўмлик "SAMSUNG TAB" номли планшет, нархи 100.000 сўмлик йўлхалта ва 400.000 сўм накд пулларни ўмариб кетишади. Сўнгра планшетни 350.000 сўмга сотиб юборишади.

Доно халқимизда "Кўзнинг очлигини тупроқ тўлдиради" деган пурҳикмат гап бор. Шу маънода айтганда, Мирзо, Фаррух ва Дониёр юқоридаги ҳаракатлари билан қаноатланишмайди. Бинобарин, 2020 йил 9 февраль куни соат 16:30ларда Фарғона шаҳар Космонавтлар кўчасига келишади. Бу маҳал фуқаро Н.Комилованинг ўз уйи ёнида "Nexia-3" русумли автомашинасини қаровсиз қолдиргани уларга жуда қўл келади. Натижада "меҳмон"лар автомашина эшиги қулфини бузиб очиб, 1.500 АҚШ доллари (14.250.000 сўм) ва 8.020.000 сўмлик тилла тақинчоқлари солинган сумкасини ўмариб кетишади.

***Тузини татиб, тузлиғига...***

Фарғона шаҳрида яшовчи Бекзод Алибеков, Аброрхўжа Қулматов ва Исожон Тўрабоевлар ана шундай иш тутишди. Улар шаҳарнинг Ёруғлик кўчасида жойлашган "Bay Hua Lin" масъулияти чекланган жамиятида ишлашарди. Жорий йилнинг 3 февраль куни уччовлон гаплашиб ўтиришган пайтда Аброрхўжа Бекзоддан 200.000 сўм қарз сўрайди.

— Ҳозирча ўзимда пул йўқ. Аммо рози бўлсанглар, хўжайиннинг пулларини ўмарамиз. Ҳаммамизга етади, — дея таклиф киритади Б.Алибеков.

Бинобарин, пулга муҳтож А.Қулматовга бу таклиф жуда маъқул тушади. Бироқ Исожон бунга рози бўлмайди.

— Ҳамма жойга видеокамера ўрнатиб қўйишган. Қўлга тушиб қолишимиз ҳеч гап эмас, — деб эътироз билдиради.

Лекин Бекзод уни тинчлантиради.

— Сен айтган видеокамералар ҳозир ишламаяпти. Шунинг учун хавотирланмасанг ҳам бўлади.

Шундан сўнг И.Тўрабоев Бекзод ва Аброрхўжага шерик бўлади. Аниқроғи, шу куни соат $14^{00}$ ларда улар атрофда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, жамият омборхонаси ёнига келишади: Бекзод чаққонлик билан орқа эшик ойнасини синдириб, ичкарига киради. Сўнгра омборхонани титкилаб, жамият раҳбарининг хизмат столи тортмасида турган 100.000.000 сўм миқдоридаги пул маблағини ўғирлаб чиқади. Бу вақтда атрофни кузатиб турган Аброрхўжа пулларни ундан олиб, Исожоннинг қўлига тутқазади. И.Тўрабоев эса, ўз навбатида, ўғирлик маблағни велосипедига ортиб, жамият биносидан олиб чиқиб кетади. Оқибатда жиноий йўл билан қўлга киритилган пул маблағи ўзаро тақсимлаб олинади. Бошқача айтганда, Б.Алибеков А.Қулматовга 10.000.000 сўм ва И.Тўрабоевга 20.000.000 сўм бериб, қолган 70.000.000 сўмни ўзига олади.

* * *

Лекин жабрланувчиларнинг мурожаати асосида иккала жиноий гуруҳнинг ўғрилиги ҳам кўп ўтмай фош этилади. Негаки, воқеа жойларидаги кузатув камералари уларнинг кирдикорларини видеотасвирга муҳрлаб қўйганди. Оқибатда айбдорларга нисбатан жиноят иши қўзғатилади. Ҳар иккала жиноят ишини кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди эса, Мирзо Шералиев ва Дониёр Жумановни Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми "а"-банди, Элдор Янгибоев ҳамда Фаррух Рўзматовни кодекснинг 25, 169-моддаси 2-қисми "в"-банди, 169-моддаси 3-қисми "а"-банди, Б.Алибеков, А.Қулматов ва И.Тўрабоевни 169-моддаси 3-қисми "а"-банди билан айбдор деб топиб, уларга қонуний жазо тайинлади. Албатта, судланувчиларга жазо тайинлашда андижонлик ўғриларнинг қилмишидан азият чеккан жабрланувчилар ҳамда фуқаровий даъвогарларга етказилган зарар тўлиқ, "Bay Hua Lin" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Р.Жўраевга етказилган зарар эса, қисман — 27.595.000 сўм миқдорида қоплангани ҳам инобатга олинди. Шу боис судланувчилар Б.Алибеков, А.Қулматов ва И.Тўрабоевлардан жамият раҳбари фойдасига қолган моддий зарар солидар тартибда ундирилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, аксарият ўғрилар жиноятни ён-атрофда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, яширин равишда содир этишади. Назаримизда, улар шу орқали қилмишлари фош бўлмаслигини ўйлашса керак. Аммо қилни қирқ ёрувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ҳар қандай вазиятда ҳам жиноятчиларни топиб, жазо муқаррарлигини таъминлаб келишади. Шундай экан, ҳар бир ота-она фарзанд тарбиясини зиммасидаги энг муҳим вазифа деб билса, бу мажбуриятини меҳнат фаолияти ва шахсий юмушларидан ҳам устунлигини ҳис этса, баён этилгани каби нохўш воқеалар барҳам топарди.

**Феруза СИДДИҚОВА,**
*жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг судьяси*
**Хуршид СУЛТОНОВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

**Куч — адолатда**

**МУАССИС:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди**

**Бош муҳаррир:**
**Шодиқул ҲАМРОЕВ**

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Козимджан КАМИЛОВ
Робахон МАХМУДОВА
Икрам МУСЛИМОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Светлана АРТИКОВА
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Нодирбек САЛАЕВ
Замира ЭСОНОВА
Олим ҲАЙИТОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

**Навбатчи муҳаррир:** Сардор ҲАМРОЕВ

**Саҳифаловчи:** Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Манзилимиз:** **Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй**
**Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54**
**E-mail: kuch-adolatda@mail.ru**

Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-1223. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 4887
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: $21^{00}$. Топширилди: $23^{30}$.